

## АВЛОДЛАРАРО ВОРИСИЙЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Абдукаримова Гулчехра Баратовна*

*Тошкент давлат транспорт университети*

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,*

*тел: +998 97 598 64 62*

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва унинг жамият ҳаётида туб бурилиш даврининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва Авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳозирги кунда кўплаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

**Калит сўзлар:** Герантология, Авлодлараро, Ворисийлик, Таълим ва тарбия, ёш авлод, Ёшлар.

**КИРИШ.** Глобаллашув шароитида ёшларнинг замонавий маданий қиёфаси ўрганилиши жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ёшларнинг замонавий маданий қиёфасини шакллантиришда умуминсоний қадриятларнинг ўрни, бугунги кундаги жамият тараққиётидаги роли бевосита аҳамиятлидир. Ёшларнинг умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатида толерантликнинг намоён бўлиши ёшлар маънавий қиёфаси билан боғлиқдир. Шунга асосланиб, вақт ўтиши билан қадриятлар тизими жамиятда муҳим роль ўйнашини ёшларнинг маънавий дунёсига таъсир этишида кўришимиз мумкин. Ёш авлоднинг ҳар бир вакили ўз мамлакатини ривожлантириш ва инсониятга фойда келтиришни мақсад сифатида белгилаб, фаолиятини ташкил этиши керак. Ҳар бир миллатнинг келажаги халқнинг интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг қайси йўлдан ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шахснинг ижтимоий фаоллик даражаси, маданий юксалишини таъминловчи муҳим омил таълим ва тарбия ҳисобланади.

Авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳозирги кунда кўплаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди. Қарилик ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида оддийлиги, табиийлиги туфайли узоқ вақт мобайнида илмий таҳлил объекти тарзида ўрганилмаган. XIX аср охирида швейцариялик олим А.Сабатье илгари сурган ёндашув “қарилик”, “қариш”, “ўлим” ва “ўлиш” тушунчаларининг илмий

талқинига асос солди<sup>1</sup>. У ўз илмий тадқиқот ва маърузаларида қариллик ва қариш муаммоларига нисбатан табиий-илмий ёндашувларни бирлаштирувчи нуқтаи назарни илк бор таърифлаб берди. У қарилликни организм фаолиятининг ўлимга олиб боровчи таназзул даври сифатида талқин қилди. Бугун тадқиқотларнинг аксарияти ёш ва ўрта авлоднинг ижтимоий ўзаро таъсирини ўрганишга қаратилган бўлиб, ёшлар ва кексалар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришни тақазо этмоқда.

Авлодлараро ворисийликнинг назарий-методологик асосларини авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил этади. М.Б.Готов фикрича, “Авлод – бу аниқ тарихий даврда шаклланган ва ёш фарқи асосида фаолият юргизиш учун ижтимоий шарт-шароитлар билан чегараланган инсонларнинг объектив равишда такомиллашадиган социал-демографик ва маданий-тарихий бирлиги саналади”<sup>2</sup>. Бизнингча, авлод тушунчасининг бошқа маънолари мавжуд бўлиб, “авлод” ва “ёш” тушунчаларини аралаштиришга асосланган ёки тарихий маънога нисбатан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.

Этимологик жиҳатдан олиб қараганда, «авлод» тушунчаси ўзида «gan» («насл қолдириш»)<sup>3</sup> ва лотин тилидаги «generation» («яратилган», «мева») сўзи билан ҳамда социологияга оид рус тилидаги адабиётларда «колени» («авлод тармоғи», «шажаранинг босқичи»)<sup>4</sup> маъноларини англатади. Авлодлараро ворисийлик-аждодлар билан авлодлар ўртасидаги қаришдошлик алоқалари, муносабат анъана ва кадриятларнинг давом этишини, наслий маънавий-ахлоқий яқинликни англатади.

Авлодлараро ворисийлик умумий маънода жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий маънавий маданиятнинг авлоддан-авлодга ўтказилишини англатади ва шахснинг ривожланиш қобилятиларида намоён бўлади. Шу маънода авлодлараро ворисийлик жамиятнинг тараққиётининг асосий мезонлари ва зарурий шарти ҳисобланади. Бизнингча, инсоният азалдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳаётдан мақсад – юрт бирлигини, ер яхлитлигини ва халқнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашдан, шунингдек бой миллий маънавият хазиналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришга интилган. Улар бу вазифани ҳаётга татбиқ этишда ҳамиша етакчи бўлиб келган, олижаноблик, саховатпешалик уларни асосий маънавий-ахлоқий фазилатлари бўлган. Герантология авлодлараро ворисийликнинг ижтимоий-фалсафий ва тарихий тушунчалардан бири бўлиб, ижтимоий ва маданий кадриятларни ифода этади.

<sup>1</sup> А.Сабатье А. Жизнь франциска ассизскаго. – Москва. 1996. – 365 с.

<sup>2</sup> Готов М.Б. Поколение как категория социологии // Социологические исследования. – Москва, 2004. № 10. – С. 42-48.

<sup>3</sup> Социологический энциклопедический словарь. – Москва, Издательство НОРМА, 2000. – С. 488.

<sup>4</sup> Калиновский, Ю.И. Философия образовательной политики / Ю.И. Калиновский. – Москва, 2000. – С. 540.

Мадомики, миллий- маънавий мерос, диний анъаналар, урф-одатларнинг қадрланиши, ёш авлодга етказилиши ва ривожланиши маънавий маданият соҳасидаги авлодлар давомийлигини ўзда ифода этади. Ҳозирги кунда герантология ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти қариллик ва қариш жараёнларининг ижтимоий-фалсафий, назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этмоқда. Чунки, ҳар бир авлод олдинги авлодга нисбатан ўзгарган ва ўзгарувчан шароитларда меросхўрликни қўллади. Бинобарин, авлодлар узлуксизлиги ўзининг атрибути сифатида тадқиқот объектини ҳам ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий-маданий муҳит кексалар ва ёшлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатларнинг жамиятга таъсирини ўрганишга имкон берадиган ва бундай ўзаро таъсир маданиятининг узлуксизлиги билан боғлиқлигини ифода этадиган ижтимоий-маданий таҳлилни ўтказиш керак. Ушбу муаммони тадқиқ этишнинг истиқболли йўналишлари мамлакатимизда кексалар ва ёшлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга ёрдам берадиган назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш лозим. Мадомики шундай экан, герантологиянинг илмий-фалсафий мезонларини, кексалар ва ёшлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатларнинг жамият ривожига таъсирининг хусусиятларини аниқлаш, ижтимоий-маданий ёндошув асосида амалга оширилади. Бу эса тарихий ижтимоий-маданий контекстни таҳлил қилиш имконини яратади<sup>5</sup>.

Инсоният яратилгандан буён жамиятда бирорта авлод ўзининг авлодларидан ажралмаган ва ажралиб туролмайди. Барча авлодлар нафақат ўзаро боғлиқликда, балки ўзаро таъсир жараёнида бўлади. Чунки, бир авлод маълум бир тарзда, узининг маънавий-диний қадриятлари, урф одатлари келажак авлодга мерос қолдиради. Шундай экан ёшлар ва кекса авлодлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатлар масаласи абадий муаммолардан бири бўлиб, бу муаммо нафақат биологик, балки ижтимоий-маданийдир. Унинг аҳамияти, теранлиги, кўп қирралилиги ва қарама-қаршилиги жиҳатидан инсониятнинг мавжудлиги ва унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади. Хусусан, “Авлодлараро муносабатлардаги ворисийлик ёки зиддиятли ихтилофларни социологик тадқиқ қилиш бугунги жамиятнинг тарихий ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни маълум маънода англашга ёрдам беради. Авлодлар ворисийлиги – ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб, биз унда авлодлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган

<sup>5</sup> Раматов, Жуманиёз Султонович, Ҳасанов, Миршод Нўъмонович, & Валиев, Лочин Азаматович (2022).

Янги ўзбекистон ёшлари ва уларнинг ижтимоий ҳимояси. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1338-1344.

келишмовчиликни кузатмаймиз. Бироқ икки авлод ўртасида зиддиятларнинг вужудга келиши табиий жараён”.

Бизнингча, авлодлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро таъсир - бу ёшларнинг ҳам, кексаларнинг ҳам эҳтиёжлари, қизиқишлари, қадрият йўналишларини тўплаш ва мувофиқлаштиришнинг мақбул моделлари, шакллари ва усулларини доимий равишда излаш демакдир. Шу маънода герантология илмий-фалсафий таълимотлардан бири бўлиб, узининг тадқиқот объекти сифатида намоён бўлади.

#### REFERENCES

1. А.Сабатье А. Жизнь франциска ассизскаго. – Москва. 1996. – 365 с.
2. Глотов М.Б. Поколение как категория социологии // Социологические исследования. – Москва, 2004. № 10. – С. 42-48.
3. Социологический энциклопедический словарь. – Москва, Издательство НОРМА, 2000. – С. 488.
4. Калиновский, Ю.И. Философия образовательной политики / Ю.И. Калиновский. – Москва, 2000. – С. 540.
5. Раматов, Жуманиёз Султонович, Ҳасанов, Миршод Нўъмонович, & Валиев, Лочин Азаматович (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 1338-1344.
6. Абдукаримова Г. Б. Научно-философский анализ современного этапа глобализации //Наука, образование и культура. – 2019. – №. 4 (38). – С. 36-37.
7. Файзулла Абдуллаевич Кушаков (2022). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ ФИЛОСОФИИ ТЕХНИКИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 428-432.
8. Журабоев, Носир Юсупович, Ҳасанов, Миршод Нўъмонович ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ СОҲА РИВОЖИ: ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ // ORIENSS. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekistonda-izhtimoiy-i-tisodiy-so-a-rivozhi-islo-ot-va-isti-bol> (дата обращения: 10.10.2022).
9. Умарова Р. Ш., Абдукаримова Г. Б., Тухтабоев Э. А. Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки //Проблемы науки. – 2019. – №. 12 (48). – С. 65-66.
10. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 78-82.
11. Ramatov, J.S., &Khasanov, M.N. (2022). HISTORY OF RAILWAY CONSTRUCTION IN UZBEKISTAN: YESTERDAY AND TODAY. Orientalrenaissance: Innovative, educational, naturalandsocialsciences, 2 (6), 925-930.
12. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Назарова, Н. Ж. (2022). МЕДИАМАДАНИЯТ ВА АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3(6), 984-988.
13. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР –ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 973-979.
14. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Валиев, Л. А. (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 78-82.